# Рамазон ойи кирса, жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари ёпилади




12:44 / 18.03.2025    1211

عن أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِذَا دَخَلَ رَمَضَانُ فُتِّحَتْ أَبْوَابُ الجَنَّةِ، وَغُلِّقَتْ أَبْوَابُ جَهَنَّمَ وَسُلْسِلَتِ الشَّيَاطِينُ".

البخاري: 3277، 1898، 1899، مسلم: 1079.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар Рамазон ойи кирса, жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари беркилади ва шайтонлар занжирбанд қилинади»**, дедилар».

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

عَنْ عَرْفَجَةَ عن رَجُلٍ مِنْ أَصْحَابِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: فَحَدَّثَ عَنْ رَمَضَانَ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: "فِي رَمَضَانَ تُغَلَّقُ فِيهِ أَبْوَابُ النَّارِ، وَتُفَتَّحُ فِيهِ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ، وَتُصَفَّدُ فِيهِ الشَّيَاطِينُ" قَالَ: "وَيُنَادِي فِيهِ مَلَكٌ: يَا بَاغِيَ الْخَيْرِ أَبْشِرْ، يَا بَاغِيَ الشَّرِّ أَقْصِرْ، حَتَّى يَنْقَضِيَ رَمَضَانُ".

أحمد: 18795، 23491، 18794، الترمذي: 682، النسائي: 2107، ابن خزيمة: 1883، ابن حبان: 3435، ابن ماجة: 1642.

Арфажа Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг биридан ривоят қилади:

«У саҳобий Рамазон ҳақида гапириб, бундай деди: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Рамазонда дўзах эшиклари беркилиб, жаннат эшиклари очилади ва шайтонлар кишанланади. Рамазон тугагунича фаришта: “Эй яхшиликни истовчи, хурсанд бўл, эй ёмонликни истовчи, тийил», деб нидо қилади»**, дедилар».

*Имом Термизий, Имом Аҳмад, Имом Насоий, Имом Ибн Ҳузайма, Имом Ибн Ҳиббон, Имом Ибн Можа ривоятлари.*

***«Рўза аҳлига Рамазон туҳфаси» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2156-сонли хулосаси асосида чоп этилган.